

2019 y «20» сентябрь  
№ 391/9

**«Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти ижроия аппарати ҳамда тизимдаги корхоналарда Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг фаолияти ва шарт-шароитини ташкиллаштириш тўғрисида**

Корхона раҳбарлари фаоллигини ошириш, «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти (кейинги уринларда - «Ўзтрансгаз» АЖ) ёшлар билан ишлашда ижроия аппаратидаги, ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш, турли йуналишда танловларни ўтказиш, ёшларни спортга жалб қилиш мақсадида «Ўзтрансгаз» АЖ бошқаруви **БУЮРАДИ**, Бирлашган касаба уюшма кумитаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Ўрнатилган тартибда:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 9 сентябрда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Ёшлари иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга дойр комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3138-сонли қарори маълумот ва ишда қўллаш учун қабул қилинсин.

2. «Ўзтрансгаз» АЖ ҳамда тизимдаги корхоналар Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари (кейинги ўринларда - ЁИБТ) тўғрисидаги низоми 1-иловага ҳамда ЁИБТ ижроия аппаратининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқаро муносабатлар бўлими бошлиғи - Хайдаров Сарвар Муродилла уғли «Ўзтрансгаз» АЖ ижроия аппарати, ҳамда тизимдаги корхоналар ЁИБТлари умумий кенгаши раиси этиб тайинлансин.

4. «Ўзтрансгаз» АЖ тизимидаги корхоналар раҳбарларига:

- жорий йилнинг 15 ноябрига қадар ҳодимлар таркибидан ташкилотнинг ЁИБТ раиси ва унинг таркибини умумий кенгаш раиси билан келишилган ҳолда ички буйруқ асосида тайинласинлар;

- корхоналарнинг ЁИБТлари учун корхона маъмурий биносидан алоҳида хона ажратсинлар, зарур моддий-техника воситалари билан таъминласинлар;

- «Ўзтрансгаз» АЖда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан тасдиқландиган чора-тадбирлар режасига мувофиқ ишларни ўрнатилган тартибда амалга ошириш учун «Ўзтрансгаз» АЖ корхоналарига ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 баробаридан кам бўлмаган миқдорда пул маблағлари ЁИБТ фаолиятига ажратилиши таъминлансин.

5. Меҳнатни ташкиллаштириш ва иқтисодий таҳлил департаменти (Мукумов) «Ўзтрансгаз» АЖ ижроия аппарати ҳамда тизим корхоналарида ЁИБТга сайланган етакчи-координаторлари вазифаси юклатилган ҳодимларга ҳар ойда асосий ойлик окладларининг 20 фоизи миқдорида кўшимча ҳақ тўлаб борилсин.

6. ЁИБТ раиси (Хайдаров) жорий йилнинг 1 ноябрига қадар ЁИБТнинг 2019-2020 йиллар иш-режасини тасдиқласин ва ушбу тасдиқланган режага асосан бажарилаётган тадбирлар тўғрисида ҳар ойнинг якунида «Ўзтрансгаз» АЖ раҳбарига ҳисобот киритиб борсин.

7. «Ўзтрансгаз» АЖнинг 2017 йил 29 декабрдаги 718/97-сонли ««Ўзтрансгаз» АЖ Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилот фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруқ-қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. Ишларни бошқариш бўлим бошлиғи (Мурзакулов):

«Ўзтрансгаз» АЖ ЁИБТ етакчилар кенгаши учун маъмурий бинодан алоҳида хона ажратсин ҳамда зарур моддий-техника воситалари билан таъминласин; мазкур буйруқни жамият тизимидаги барча корхона ва ташкилотларга ҳамда тегишлилиги бўйича ижроия аппарат масъул ижрочиларига етказилишини таъминласин.

9. Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш Бошқарув раисининг йўналишлар бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

**Бошқарув Раиси**

**БКУҚ Раиси**

  
У. Сайидов

  
Б. Бобохонов

“Ўзтрансгаз” АЖ  
2019 йил «20» «09» даги  
391/9 сонли буйруғига 1-илова  
*қарори*

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг “Ўзтрансгаз” акциядорлик  
жамияти тизимидаги корхона ва ташкилотлардаги бошланғич  
ташкилотлар тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар.**

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти тизимининг корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилоти (кейинги ўринларда бошланғич ташкилот деб юритилади) Иттифоқнинг Устави ва Дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширувчи ҳамда ёшларни бирлаштирувчи қуйи органидир.

2. Бошланғич ташкилот Иттифоқнинг камида беш нафар аъзоси йиғилиши қарори билан тузилиб, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишини ҳисобга олган ҳолда Иттифоқнинг маҳаллий кенгашларига бирлашади.

3. Бошланғич ташкилот ўз фаолиятини ташкил этишда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Устави ва Дастурига асосланади.

4. Бошланғич ташкилотга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан юридик шахс мақоми берилиши мумкин. Мазкур масалани кўриб чиқишда, биринчи навбатда, унинг молиявий имкониятлари ҳисобга олинади.

**II. Бошланғич ташкилотнинг мақсад ва вазифалари.**

5. Бошланғич ташкилотнинг асосий мақсади тизимдаги корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ёш мутахассисларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, улар орасидан истеъдодли ва иқтидорли ёшларни юзага чиқариш, ёш мутахассисларнинг “Устоз-шогирд” анъанасига мувофиқ етук мутахассис бўлишларига кўмаклашиш, шунингдек, ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ечишда кўмаклашишдан иборат.

6. Бошланғич ташкилотнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ёш мутахассислар, ишчи-ходимларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг инновацион ғояларини амалиётда татбиқ этишда кўмаклашиш, ёш ходимдарга ижодий ва интеллектуал салохиятини руёбга чиқариши учун шароит яратиш;

- ишчи-ходимлар билан мулоқот олиб бориш, уларнинг шахсий ҳаётидаги ҳамда меҳнат жойидаги муаммоларини ижобий ҳал этилишида яқиндан кўмаклашиш;

- янги иш бошлаган ишчи-ходимларни “Устоз-шогирд” анъанасига мувофиқ малакали мутахассисларга бириктириш, малакали устозлар томонидан ёш мутахассисларга меҳнат сир - асрорларини ўргатилишини мониторинг қилиб бориш;

- ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларни соғлом турмуш тарзи ҳамда оммавий спортга жалб этиш.

### **III. Бошланғич ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

7. Бошланғич ташкилот ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- корхона ва ташкилотлар ҳамда Иттифоқнинг маҳаллий кенгашларининг комиссиялари ишида, бошқарув кенгашларининг ёшлар масалалари билан боғлиқ барча йиғилишларида иштирок этиш, шунингдек, раҳбарият, юқори ташкилот ва органларга таклифлар киритиш;

- Иттифоқ аъзоси ҳисобланган ишчи-ходимларни ишдан бўшатиш ёки интизомий жазо чораларини кўришдан аввал раҳбариятга муносабат билдириш;

- корхона ва ташкилотларнинг барча қуйи бўлинмаларидаги ёш-ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

- ўз фаолиятига доир маълумотларни тарқатиш, тарғиб этиш ҳамда йиғилишлар, мажлислар, тадбирлар, анжуманлар, семинар ва давра суҳбатларини ўтказиш;

- мазкур Низомда белгиланган тартибда корхона ва ташкилотларда ўз тузилмаларини ташкил этиш.

Бошланғич ташкилот тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

8. Бошланғич ташкилот мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қонун ости ҳужжатлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Устави ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш;

- корхона ва ташкилотлар ҳамда Иттифоқнинг маҳаллий кенгашига ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни ўрнатилган тартибда тақдим этиш;

- корхона ва ташкилотларда маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, ёшлар ўртасида турли тадбирларни ташкил этиш.

Бошланғич ташкилот тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

#### **IV. Тизимдаги корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотда Иттифоққа аъзоларни ҳисобга олиш ва аъзоликдан чиқариш.**

9. Ёшларни Иттифоққа аъзо қилиш Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Уставида белгиланган тартибда амалга оширилади.

10. Иттифоққа аъзо бўлган ёшлар корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилннган тақдирда бошланғич ташкилот томонидан ҳисобга олинади ва ишдан бўшагач, ҳисобдаи чиқарилади

#### **V. Бошланғич ташкилотнинг ташкилий тузилмаси.**

11. Бошланғич ташкилотнинг ташкилий тузилмаси таркибига қуйидагилар киради:

- аъзоларнинг умумий (ҳисобот-сайлов) йиғилиши;
- бошланғич ташкилот кенгаши;
- бошланғич ташкилот йўналишлари.

12. Бошланғич ташкилотда ҳисобда турган Иттифоқ аъзоларининг бир йилда камида бир марта ўтказиладиган умумий (ҳисобот-сайлов) йиғилиши унинг раҳбар органи ҳисобланади. Умумий (ҳисобот-сайлов) йиғилишда бошланғич ташкилот етакчисининг йиллик фаолияти юзасидан ҳисоботи эшитилади, муҳокама қилинади ҳамда бошланғич ташкилот етакчиси сайланади.

13. Умумий (ҳисобот-сайлов) йиғилиши ўз ишида жами иштирокчилар (делегатлар)нинг учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

Ушбу орган томонидан қабул қилинадиган қарорлар иштирокчиларнинг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

14. Умумий йиғилиш ваколатларига қуйидагилар киради:

- бошланғич ташкилот умумий фаолиятига оид қарорлар қабул қилиш, йиллик умумий фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш, баҳолаш, кенгаш аъзолари сонини белгилаш, унинг таркиби ҳамда етакчисини сайлаш;

- Иттифоқ аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш;

- узоқ муддатли (йиллик) иш режасини тасдиқлаш;

- юридик шахс мақоми берилган бошланғич ташкилотларда унинг штатлар жадвалини тасдиқлаш;

- бошланғич ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

15. Бошланғич ташкилот кенгаши - Иттифоқ аъзолари орасидан камида беш кишидан иборат таркибда сайлаб олинган бошланғич ташкилот ижроия органи ҳисобланади. Кенгашга бошланғич ташкилот етакчиси раҳбарлик қилади. Кенгаш ташкилот олдида турган вазифалар, тасдиқланган режа ва тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди. Иттифоқнинг юқори ташкилотлари қарорлари ижроси бўйича чоратадбирлар белгилайди ҳамда амалга оширади, бошланғич ташкилотнинг кундалик фаолиятини бошқаради.

16. Бошланғич ташкилот кенгаши ўз ишида жами қатнашчиларнинг учдан икки қисми иштирок этганда ва қарор қабул қилишда қатнашчиларнинг ярмидан кўпи овоз берганда ваколатли ҳисобланади.

17. Бошланғич ташкилот кенгаши таркибига Иттифоқнинг якка ёки жамоавий тартибдаги аъзолари орасидан йуналиш координаторлари сайланади.

18. Бошланғич ташкилот кенгаши:

- Иттифоқнинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширади. Иттифоқнинг юқори органлари ва бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши қарорларини бажаради, бошланғич ташкилотнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

- бошланғич ташкилотнинг кундалик фаолиятига оид қарорлар қабул қилади, Иттифоқ аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқиш ишларини олиб боради:

- Иттифоқ аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир масалаларини кўриб чиқади;

- Умумий йиғилиш ва Иттифоқнинг юқори органлари топшириғига биноан бошқа масалаларни ҳал этади.

19. Бошланғич ташкилот етакчиси бошланғич ташкилотнинг ҳисобот-сайлов йиғилишида очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

20. Бошланғич ташкилот етакчиси лавозимига 35 ёшдан ошмаган, корхона ва ташкилотларда меҳнат фаолиятини олиб бораётган, умумий уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ходимлар номзоди кўриб чиқилади.

21. Бошланғич ташкилот етакчисининг вазифа ҳамда ваколатларига қуйидагилар киради:

- мазкур Низом доирасида бошланғич ташкилот фаолиятини ташкил қилиш. унга раҳбарлик қилиш ҳамда умумий фаолиятни мувофиқлаштириш;

- Иттифоқнинг юқори органлари, бошланғич ташкилотнинг раҳбар ва ижроия органи қарорлари бажарилишини таъминлаш;

- бошланғич ташкилот кенгаши аъзолари орасидан бошланғич ташкилот йўналиш координаторларини тайинлаш:

- бошланғич ташкилотнинг раҳбар органлари қарорига кўра бошқа ваколатларни бажариш ҳамда мазкур Низомга зид бўлмаган вазифаларни амалга ошириш.

22. Мазкур Низомда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун бошланғич ташкилот қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боради:

23. Раис ўринбосари - бошланғич ташкилот етакчилари билан ишлаш ва лойихаларни амалга ошириш масалалари координатори:

- “Ўзтрансгаз” АЖ ижроия аппарати ҳамда тизимидаги корхона ва ташкилотлар ЁИБТлари ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш;

- ЁИБТ аъзоларининг ҳисоби ва ҳисоботини олиб бориш;

- ЁИБТ самарадорлигини оширишга йўналтирилган услубий қўлланмалар, тавсиялар ишлаб чиқиши ва етказилишини ташкил этиш;

- ЁИБТ фаолиятини такомиллаштириш мақсадида етакчилар учун турли ўқувлар, форумлар ва танловларни ташкил этиш;

- қуйи ташкилотлар ЁИБТ етакчиларига оид маълумотлар базасини юритиш ва янгилаб бориш;

- вазирлик, идора ва ташкилотларнинг республика бошқарув органларида тузилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Етакчилар кенгашлари фаолиятини кузатиб, ўрганиб бориш;

- ёш мутахассислар томонидан берилган инновацион таклифлар, лойихаларни такомиллаштириш ва тадбиқ этишга кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш;

- ёш мутахассислар ўртасида инновацион ғоялар, соҳаго оид кашфиётлар, ёш олимлар каби танловлар ўтказиш. Танлов натижаларига

кўра ғолибларни тақдирлаш ва энг кучли лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш.

24. Оммавий тадбирлар ва маданий-маърифий масалалар координатори:

- ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун- моҳиятини ёшлар онгига чуқур сингдиришга қаратилган давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, семинар-тренинглар ташкил этади;

- четдан “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган, миллий маънавиятимизга зид бўлган маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот ишларини олиб боради;

- ишчи-ҳодимлар ўртасида маънавий-ахлоқий муҳитни мунтазам ўрганиб боради, ёшлар ўртасида маънавий ва маданий тадбирларни ташкил этади;

- ҳудуддаги диққатга сазовор жойлар ҳамда тарихий обидаларга саёҳатлар уюштиради;

- ёшларнинг сиёсий маданияти, ҳуқуқий онги ва саводхонлиги, фуқаролик масъулияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

25. Спорт-саломатлик масалалари координатори:

- меҳнат жамоасидаги ёшлар ўртасида оммавий тадбирларни ташкил этади;

- ёшларнинг кайфияти ва интилишларини қўллаб-қувватлайди, улар иштирокида турли ҳил кўнгилочар концерт дастурлари, танлов ҳамда бошқа оммавий тадбирларни ташкил этади;

- ишчи-ҳодимлар мунтазам равишда спорт билан шуғилланиши учун узок муддатли комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқади ва ташкил этади;

- ишчи-ҳодимларни соғломлаштириш, уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида ҳаёт кечиришига қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказиши;

- корхона ва ташкилот ҳудуди, шунингдек, унинг атрофидаги ҳудудларида ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этади.

26. “Устоз-шогирд” анъанасини мувофиқлаштириш ва ёш ҳодимларни касбий малакасини ошириш йўналиши координатори:

- ёш ҳодимлар, янги ишга кирган ёш мутахассисларни малакали мутахассисларга шогирд сифатида бириктиради;

- ёш мутахассис билан малакали мутахассиснинг олиб бораётган ишларини мониторинг қилади:

- ёшларнинг касбий кўникмасини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- ёш кадрларнинг касбий юксалишига ҳизмат қиладиган маҳорат дарсларини ўтказади;

- ўрта махсус касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасаларидан корхона ва ташкилотларга амалиёт ўташ учун юборилган ўқувчи ҳамда талаба-ёшларни белгиланган тартиб асосида амалиёт ўташига шароит яратиб беради, уларга услубий-амалий ёрдам кўрсатади.

#### 27. Ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар координатори:

- корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган ижтимоий ҳимояга мухтож ишчи-ҳодимларнинг маиший турмуш шароитини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, улар хонадонига таморқадан унумли фойдаланиши бўйича машғулотлар ташкил этади;

- корхона ва ташкилотдаги ишчи-ҳодимларга истеъмол кредитлари ажратилишида кўмаклашади;

- корхона ва ташкилотда ишлаб, нафақага чиққан нурунийлар ҳолидан хабар олиш механизмини ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

- корхона ва ташкилот жойлашган ҳудудда истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга мухтож, кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда имконияти чекланган ёшларнинг турмуш шароитини ўрганиб боради, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича раҳбариятга таклифлар киритади;

- Меҳрибонлик, Саховат уйларида корхона, ташкилот ва муассаса номидан турли хил тадбирлар ташкил этиш ҳамда кўмакка мухтожларга байрамлар арафасида совға-саломлар улашиш юзасидан чора-тадбирлар кўради.

#### 28. Ёш оила, хотин-қизлар ва ОАВ масалалари координатори:

- аёллар, ёш оналар ва қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилади, уларнинг дарди ва муаммоларини ўрганиб, истеъдодларини юзага чиқаришга амалий кўмак беради;

- ёшлар ўртасида соғлом оила муҳитини шакллантириш юзасидан семинарлар, давра суҳбатлари, тарғибот ишларини олиб боради;

- аёллар спортини ривожлантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар ташкил этади.

- “Ўзтрансгаз” АЖда фаолият олиб бораётган ёшларнинг меҳнат шароитлари, оиладаги турмуш тарзи ва ҳаётида содир булаётган янгиликларни ОАВда ёритиб боради;

- ёшлар ҳаётида содир бўлаётган камситилиш, уларнинг таълим олиши, ишга жойлашиши ва шу каби барча муаммоли ҳолатларни ҳал этишда кўмаклашади, ҳамда бунга кенг жамоатчиликни эътиборини ва ОАВ жалб этади.

#### **VI. Бошланғич ташкилот фаолиятини моддий қўллаб-қувватлаш**

29. Бошланғич ташкилот корхона ва ташкилот раҳбарияти томонидан камида 1 та хона, мебел жихозлари (2 та иш столи, 1 та катта айлана стол, 15 та стул, 2 та шкаф), 1 та компьютер жамламаси (интернет тармоғига уланган), 1 та проектор жамламаси, принтер нусха кўпайтириш ускунаси, фотоаппарат, видеокамера, акустика ускуналари, девонхона моллари, стендлар, энциклопедиялар, бадий ва илмий-оммабоп китоблар билан таъминланади ҳамда ёшлар учун мўлжалланган газета ва журналлар обунасини ташкил этилади.

30. Бошланғич ташкилотга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маҳаллий кенгаши томонидан тегишли услубий қўлланмалар, кўрғазмалар воситалар, турли маънавий-маърифий, тарбиявий мавзудаги ва бошқа тарқатма тарғибот материаллари етказиб берилади.

31. Бошланғич ташкилотнинг иш режасидаги асосий масалалар корхона ва ташкилотларнинг йиллик иш режасига киритилиб, молиялаштирилади.

32. Юридик шахс мақомига эга бўлган бошланғич ташкилотлар корхона ва ташкилотлар раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгашини огоҳлантирган ҳолда мақсад ва вазифалари доирасидан чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган турли грант ва беғараз ҳомийлик дастурларида иштирок этиши мумкин.

#### **VIII. Бошланғич ташкилот фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш тартиби.**

33. Бошланғич ташкилот фаолияти бошланғич ташкилот очилган корхонани ташкилот тугатилганида Иттифоқ аъзоларининг умумий йиғилиши қарори ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа жихатларга кўра тўхтатилади.

33. Бошланғич ташкилот юридик шахс мақомига эга булса, унинг фаолияти тугатилганидан кейин ходимлар таркибига оид хужжатлар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг архив муассасаларига сақлаш учун топширилади.

«Ўзтрансгаз» АЖнинг  
2019й. «20» « 09 » даги  
«334/3» сон буйруғи - *дорер*  
2-иловаси

**«Ўзтрансгаз» АЖ ЕИБТ  
ташкилий тузилмаси**

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	ЎИТБда
1.	Хайдаров Сарвар Муродилла ўғли	Халқаро муносабатлар бўлими бошлиғи	Раис
2.	Камилова Самина Абдулазиз қизи	Архивариус	Бошланғич ташкилот етакчилари билан ишлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш масалалари Координатори
3.	Хамдамов Акмал Акбар ўғли	Бизнесни ривожлантириш ва лоийҳаларни молиялаштириш бўлими бош мутахассиси	Оммавий тадбирлар ва маданий- маърифий масалалари Координатори
4.	Мирзарахимов Абдукаххор Абдукаримович	Газ тақсимлаш ва газ улчаш станцияларидан фойдаланиш бўлими бош мутахассиси	“Устоз-шоғирд” анъанасини мувофиқлаштириш ва ёш ходимларни касбий малакаси ҳамда билимини ошириш масалалари Координатори
5.	Ходжаев Акром Фарходович	Газ тақсимлаш ва газ улчаш станцияларидан фойдаланиш бўлими етакчи мутахассиси	Спорт-саломатлик масалалари Координатори
6.	Махмудова Ирода Эрназар қизи	Протокол хизмати бош мутахассиси	Ёш оила ва хотин-қизлар масалалари Координатори
7.	Абдурахмонов Ориф Рахматуллаевич	ОАВ ва жамоатчилик билан ишлаш бўлими оператори	ОАВлар билан ишлаш масалалари Координатори
8.	Ишмухамедов Шохрух Хайдарович	Маҳсулот таннархини ва тариф сиёсатини назорат қилиш бўлими бошлиғи	Ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалалари Координатори

**«Ўзтрансгаз» АЖ ижроия аппараты ЁИБТ  
ташкилий тузилмаси**

